



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2021 yil « 19 » noyabr

№ 699

Toshkent sh.

### **Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 5 октябрдаги ПФ–6079-сон Фармониغا мувофиқ, шунингдек, республикада рақамли инфратузилмани жадал ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқ ҳудудлари ўртасидаги “рақамли тафовут”ни бартараф этиш ҳамда тақдим этилаётган хизматлар сифатини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

оптик толали, радиореле алоқа линияларини ҳамда маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказларини қуриш, кенг полосали уланиш тармоғини ривожлантириш, мобил алоқа ҳамда бошқа замонавий технологиялардан фойдаланишни давом эттириш орқали телекоммуникациялар инфратузилмасини ривожлантириш;

таълим муассасаларида телекоммуникациялар соҳасидаги кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сифатини янада ошириш, таълим тизимига масофавий, онлайн ва виртуал ўқитиш технологияларини жорий этиш, онлайн курслар учун инфратузилмани ривожлантириш;

соҳада фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларига имтиёз ва преференциялар бериш орқали телекоммуникациялар соҳасида рақобат муҳитини ривожлантириш;

телекоммуникация оператор ва провайдерларининг ўзаро муносабатини тартибга солишни назарда тутувчи қонун ҳужжатларини хатловдан ўтказиш ва уларни қайта кўриб чиқиш орқали норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш.

2. Қуйидагилар:

2022–2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

2022–2024 йилларда халқаро ва давлат аҳамиятига молик автомобиль йўлларини мобил алоқа қамрови билан таъминлаш режа-жадвали 2-иловага мувофиқ;

2022–2024 йилларда ҳудудларда телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлар режалари 3-16-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги янги телекоммуникация ва рақамли технологиялар имкониятларидан келиб чиқиб, 3-16-иловалар билан тасдиқланган кўрсаткичларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Ўзбекистон Республикасида 2023 йилга қадар телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантиришнинг қуйидаги асосий мақсадли кўрсаткичлари белгилансин:

халқаро маълумотлар узатиш каналининг ўтказувчанлик қобилиятини 3,5 маротаба ошириш, шунингдек, мамлакатнинг транзит салоҳиятини интернет трафик алмашинуви халқаро боғламаларида қўшимча учта уланиш нуқталарини ташкил этиш ҳисобига ошириш;

150 минг км оптик толали алоқа линиялари қурилиши ҳисобига маълумотлар узатиш тармоғини кенгайтириш ва кўрсатилаётган телекоммуникация хизматлари ҳажмини ошириш;

барча аҳоли пунктларини Интернет жаҳон ахборот тармоғига кенг полосали уланиш билан қамраб олишни ҳамда барча вилоятлар марказларида бешинчи авлод тармоқларини босқичма-босқич жорий этишни назарда тутган ҳолда мобил алоқа тармоқларини янада кенгайтириш ва модернизация қилиш;

халқаро ва давлат аҳамиятига молик автомобиль йўлларини мобил алоқа тармоқлари билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш;

маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказлари инфратузилмасини яратиш ҳисобига “булутли” ҳисоблашларнинг замонавий технологияларини жорий этиш;

оптик толали алоқа линияларини барча аҳоли пунктларига етказиб бориш ва уй хўжалиқларининг камида 80 фоизини Интернет жаҳон ахборот тармоғига кенг полосали симли уланиш имконияти билан таъминлаш;

“Буюмлар Интернети” технологияларини қишлоқ ва сув хўжалиги, экология, саноат, транспорт ва коммуникациялар соҳаларига жорий этиш учун техник шарт-шароитлар яратиб бериш.

4. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил якунига қадар барча ички ишлар органлари таянч пунктлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, жазони ижро этиш муассасалари, ички ишлар органлари профилактика инспекторлари хоналари, халқ таълими

муассасалари, давлат архивлари ва ташкилотларини Интернет жаҳон ахборот тармоғига кенг полосали уланиш билан таъминласин.

Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги, “Ўзархив” агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2022 йилдан бошлаб харажатлар сметаларида Интернет жаҳон ахборот тармоғига кенг полосали уланиш хизматларидан фойдаланиш (июнь-август ойларини ҳам инobatга олган ҳолда) ҳамда ички локал тармоқлар яратиш ва фойдаланиш хизматлари учун тўловларни амалга оширишга зарур маблағларни назарда тутсинлар.

5. Телекоммуникация оператор ва провайдерлари Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди бўйлаб қишлоқ аҳоли пунктларида ер остига ётқизиш ва электр тармоқларининг симёғочлари ҳамда юқори кучланишли таянчларига осиб йўли билан, белгиланган техник талабларга мувофиқ оптик толали алоқа линияларини қуриш ишларини амалга оширишлари мумкинлигини белгилаб қўйилсин.

6. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси, Энергетика вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 январга қадар оптик толали алоқа линияларини осиб учун электр узатиш, шу жумладан юқори кучланишли таянчларидан ҳамкорликда фойдаланиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Қурилиш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда халқаро тажриба асосида қуйидаги ҳолатларда телекоммуникация воситалари ва иншоотларини қурилиш-монтаж ва қайта қуриш ишларини бошлаш тартибларини соддалаштиришни назарда тутган ҳолда қурилиш фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ўзгартиришлар киритсин:

телекоммуникация иншоотларини кўчириш ва ўзгартириш, шунингдек, телекоммуникация воситалари таркибини ўзгартириш орқали модернизация қилиш;

телекоммуникация воситалари ва иншоотларини синаш, интеграция қилиш ва фойдаланишга тушириш.

8. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳалари бўйича техник-иқтисодий асослар ва ҳисоб-китобларнинг экспертизасини 30 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилиши таъминлансин.

9. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни

ривожлантириш агентлиги билан биргаликда хорижий тажриба асосида икки ой муддатда телекоммуникациялар абонент тармоқларининг “сўнгги миля” қисмида қуриш ва хизмат кўрсатишга тадбиркорлик субъектларини жалб этишни назарда тутувчи, ҳудудларда телекоммуникация инфратузилмасини давлат-хусусий шериклик асосида ривожлантириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда телекоммуникация воситаларидан фойдаланишга рухсатномаларни бериш тартибига узаткичлар қувватини оширганда санитария паспортини параллел равишда расмийлаштиришни назарда тутувчи ўзгартиришларни киритсин.

11. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

мавжуд чегара ўтиш нуқталари орқали “Ўзбекистон-Афғонистон-Покистон”, “Ўзбекистон-Қирғизистон-Хитой” ва “Ўзбекистон-Туркменистон-Озарбайжон-Туркия” йўналишларида халқаро магистрал каналларни ташкил этиш ва босқичма-босқич кенгайтириш;

Хитой Халқ Республикасида янги уланиш ва ўзаро Интернет трафиги алмашинуви нуқталарини ташкил этиш чораларини кўрсин.

12. 2022 йил 1 январдан бошлаб йил давомида босқичма-босқич қуйидаги тартиблар жорий этилиши белгилаб қўйилсин:

2022 йил I ярим йиллик якунига қадар халқаро телефон тармоқларида тармоқлараро уланишлар халқаро коммутация марказлари орқали, халқаро коммутация маркази ва унга уланган операторлар ўртасида белгиланган тартибда тузилган шартномалар асосида амалга оширилади;

2022 йил якунига қадар маҳаллий ва шаҳарлараро телефон тармоқларида тармоқлараро уланишлар шаҳарлараро коммутация марказлари орқали, “Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази” ДУК билан уланган операторлар ўртасида белгиланган тартибда тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

Бунда, тармоқлараро уланиш хизмати уланиш жойидан қатъий назар, белгиланадиган тарифлар асосида тақдим этилиши белгилаб қўйилсин.

13. Телекоммуникация операторлари ва провайдерларига 2022 йил 1 январдан бошлаб Интернет жаҳон ахборот тармоғига кенг полосали уланиш тармоқларини лойиҳалаш ва қуришда қуйидагиларни назарда тутсинлар:

маъмурий бинолар ва кўп квартирали уйларни камида 1 Гбит/с ўтказувчанлик қобилияти билан;

таълим ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқа давлат ташкилотларини камида 100 Мбит/с ўтказувчанлик қобилияти имконияти билан улаш.

14. Транспорт вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги, “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ симли, мобил ва симсиз телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш лойиҳаларини амалга оширишда телекоммуникация операторлари ва провайдерларига темир йўл ва магистрал автомобиль йўллари, туристик объектлар инфратузилмаларидан, хусусан юқори кучланишли электр узатиш тармоқлари таянчларидан техник имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, белгиланган тартибда, биргаликда текин фойдаланишга рухсат берсин.

15. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.Х. Шерматов ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

**2022–2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантиришнинг  
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т/р	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Жорий ҳолати	Йиллар кесимидаги кўрсаткичлар		
				2022 й.	2023 й.	2024 й.
1.	Халқаро пакетли коммутация марказининг ўтказиш имконияти	Гбит/с	1 200	1 800	4 200	4 500
2.	Магистрал тармоқнинг ўтказувчанлик имконияти, Вилоят даражасида: Туман даражасида:	Гбит/с	400 40	400 40	600 60	600 60
3.	Аҳоли яшаш масканларини юқори тезликдаги Интернет тармоғи билан қамров даражаси	фоиз	67	74	85	100
4.	Аҳоли яшаш масканларининг кенг полосали мобил алоқа тармоғи билан қамров даражаси	фоиз	90	95	98	100
5.	Халқаро аҳамиятга эга магистрал автомобил йўллари бўйлаб юқори тезликдаги мобил интернет қамров даражаси	фоиз	40	90	95	100
6.	Маҳалла фуқаролар йиғинларининг юқори тезликдаги Интернет тармоғи билан қамров даражаси	фоиз	43	100	100	100
7.	Ички ишлар органлари профилактика инспекторлари хоналарини юқори тезликдаги Интернет тармоғи билан қамров даражаси	фоиз	25	100	100	100
8.	Ижтимоий объектларнинг юқори тезликдаги Интернет тармоғига уланиш билан таъминланганлик даражаси	фоиз	95	100	100	100
9.	Республика бўйлаб қурилган оптик толали алоқа тармоғининг узунлиги	минг км	72	122	172	222
10.	Кенг полосали тармоқ сиғими	минг порт	3 000	3 600	4 550	6 100
11.	Маълумотларни қайта ишлаш марказлари учун инфратузилма яратиш	Пбайт	6,2	30	80	130

**2022–2024 йилларда халқаро ва давлат аҳамиятига молик автомобиль йўллари мобил алоқа камрови билан таъминлаш  
РЕЖА–ЖАДВАЛИ**

Т/р	Йўл участкаси номи	Узунлиги, км	Камров даражаси, %		
			2022 йил	2023 йил	2024 йил
1.	Қўнғирот – Қорақалпоғистон божхона пости (Қозоғистон чегараси)	317	50	70	100
2.	Нукус - Қўнғирот	119	50	70	100
3.	Хўжайли божхона пости (Туркманистон чегараси) - Нукус	34	50	70	100
4.	Нукус - Учқудуқ	401	50	70	100
5.	Учқудуқ - Зарафшон	90	50	70	100
6.	Зарафшон - Навоий	190	50	70	100
7.	Нукус - Беруний	128	50	70	100
8.	Урганч - Беруний	25	50	70	100
9.	Хива - Урганч	28	50	70	100
10.	Урганч - Хазорасп	53	50	70	100
11.	Хазорасп - Дўстлик божхона пости (Туркманистон чегараси)	35	50	70	100
12.	Беруний - Тўрткўл	30	50	70	100
13.	Газли - Тўрткўл	278	50	70	100
14.	Бухоро - Газли	93	50	70	100
15.	Навоий - Бухоро	111	50	70	100
16.	Бухоро - Олот	64	50	70	100
17.	Олот - Олот божхона пости (Туркманистон чегараси)	24	50	70	100
18.	Бухоро - Муборак	96	50	70	100
19.	Қарши - Муборак	78	50	70	100
20.	Ғузор - Қарши	41	50	70	100
21.	Навоий - Каттакўрғон	76	50	70	100
22.	Каттакўрғон - Самарқанд	72	50	70	100
23.	Самарқанд - Ғузор	144	50	70	100
24.	Ғузор - Шеробод	142	50	70	100
25.	Шеробод - Жарқўрғон	51	50	70	100
26.	Жарқўрғон - Денов	110	50	70	100
27.	Денов - Сариосиё божхона пости (Тожикистон чегараси)	42	50	70	100
28.	Шеробод - Гулбаҳор божхона пости (Тожикистон чегараси)	114	50	70	100
29.	Шеробод - Термиз-автомобил йўли божхона пости (Афғонистон чегараси)	87	50	70	100

Т/р	Йўл участкаси номи	Узунлиги, км	Қамров даражаси, %		
			2022 йил	2023 йил	2024 йил
30.	Шеробод - Термиз	58	50	70	100
31.	Термиз - Термиз-автомобил йўли божхона пости (Афғонистон чегараси)	19	50	70	100
32.	Термиз - Гулбаҳор божхона пости (Тожикистон чегараси)	56	50	70	100
33.	Термиз - Жарқўрғон	37	50	70	100
34.	Жиззах - Самарқанд	140	50	100	100
35.	Сирдарё - Жиззах	85	50	70	100
36.	Жиззах - Бўка	166	50	70	100
37.	Жиззах - Гулистон	101	50	70	100
38.	Жиззах - Янгиер	81	50	70	100
39.	Чиноз - Сирдарё	2	50	70	100
40.	Чиноз - Яллама божхона пости (Қозоғистон чегараси)	8	50	70	100
41.	Сирдарё - Бўка	81	50	70	100
42.	Сирдарё - Гулистон	37	50	70	100
43.	Янгиер - Гулистон	30	50	70	100
44.	Гулистон - Бўка	68	50	70	100
45.	Янгиер - Бекобод	55	50	70	100
46.	Ойбек божхона пости (Тожикистон чегараси) - Бекобод	33	50	70	100
47.	Бўка - Ойбек божхона пости (Тожикистон чегараси)	30	50	70	100
48.	Чиноз - Бўка	73	50	70	100
49.	Тошкент - Чиноз	68	50	70	100
50.	Тошкент - Бўка	56	50	70	100
51.	Тошкент - Чирчик	32	50	70	100
52.	Тошкент - Гишт-Кўприк божхона пости (Қозоғистон чегараси)	10	50	70	100
53.	Оҳангарон - Тошкент	46	50	70	100
54.	Бўка - Оҳангарон	67	50	70	100
55.	Оҳангарон - Ангрен	55	50	70	100
56.	Ангрен - Қўқон	135	50	70	100
57.	Қўқон - Андархон божхона пости (Тожикистон чегараси)	50	50	70	100
58.	Қўқон - Наманган	108	50	70	100
59.	Қўқон - Андижон	130	50	70	100
60.	Андижон - Дўстлик божхона пости (Ўзбекистон чегараси)	33	50	70	100
61.	Қўқон - Фарғона	85	50	70	100
<b>ЖАМИ:</b>		<b>5 108</b>			



**2022–2024 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида телекоммуникация инфратузилмаси ривожланишининг  
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ\***

Т/р	Кўрсаткич номи	Оптик толали алоқа линияларининг узунлиги, км			Кенг поласали тармоқ сиғими, минг порт			Юқори тезликдаги интернет тармоғи билан қамров даражаси			
								Аҳоли яшаш масканлари, фоиз			МФЙ ва ПИ хоналари, фоиз
		2022 й.	2023 й.	2024 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2021 й.
1	Тўрткул тумани	318	382	445	2,0	3,1	4,1	36	72	100	100
2	Элликқалъа тумани	245	294	343	2,0	3,6	5,1	69	81	100	100
3	Беруний тумани	318	382	445	3,1	5,1	6,7	86	100	100	100
4	Амударё тумани	318	382	445	2,0	3,1	4,1	61	71	100	100
5	Тахиатош тумани	220	265	308	1,0	1,0	2,0	100	100	100	100
6	Хўжайли тумани	245	294	343	2,6	3,6	5,1	76	100	100	100
7	Қонликўл тумани	163	196	229	2,6	3,6	5,1	85	96	100	100
8	Шуманай тумани	163	196	229	1,5	2,6	3,1	72	85	100	100
9	Қўнғирот тумани	270	323	377	3,6	5,6	7,7	65	73	100	100
10	Мўйноқ тумани	163	196	229	0,5	0,5	1,0	43	64	100	100
11	Нукус тумани	163	196	229	2,6	4,1	6,1	63	70	100	100
12	Кегейли тумани	242	290	338	1,5	2,0	3,1	91	95	100	100
13	Бўзатов тумани	27	33	39	1,0	2,0	2,6	55	100	100	100
14	Чимбой тумани	245	294	343	4,1	6,1	8,7	99	99	100	100
15	Қораўзак тумани	163	196	229	0,5	1,0	2,0	52	74	100	100
16	Тахтакўпир тумани	163	196	229	2,0	3,6	5,6	54	82	100	100
17	Нукус шаҳри	490	588	685	7,7	11,2	16,3	100	100	100	100
<b>ЖАМИ</b>		<b>3 916</b>	<b>4 703</b>	<b>5 485</b>	<b>40,3</b>	<b>61,8</b>	<b>88,4</b>	<b>71</b>	<b>86</b>	<b>100</b>	<b>100</b>

\*) Кўрсаткичлар лойиҳа смета ҳужжатлари асосида ҳамда туманлар кесимида ўзгариши мумкин.

**Қорақалпоғистон Республикасида телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш бўйича  
2022-2024 йилларда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар юзасидан  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

<b>Т/р</b>	<b>Лойиҳалар номи</b>	<b>Амалга ошириш механизми</b>	<b>Бажарилиш муддати</b>	<b>Молиялаштириш манбалари</b>	<b>Ижро учун масъуллар</b>
1	Оптик толали алоқа линияларини кенгайтириш.	1. Қорақалпоғистон Республикасида оптик толали алоқа линиялари билан қамров даражасини ўрганиш. 2. Барча аҳоли масканларини оптик толали алоқа линиялари билан таъминлаш бўйича 2022-2024 йилларга мўлжалланган чора-тадбирларни белгилаш. 3. Вилоятда 14 100 км алоқа линияларини куриш ишларини амалга ошириш: 2022 йил – 3 916 км; 2023 йил – 4 703 км; 2024 йил – 5 485 км.	2022 йил март  2022 йил апрель  2022-2024 йиллар	Телекоммуникация операторлари маблағлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, телекоммуникация операторлари
2	Кенг полосали уланиш тармоқларини кенгайтириш.	1. Қорақалпоғистон Республикасининг телекоммуникация инфратузилмаси билан қамров даражасини ўрганиш. 2. Кенг полосали уланиш тармоқларини кенгайтириш бўйича 2022-2024 йилларга мўлжалланган чора-тадбирларни белгилаш. 3. Барча аҳоли масканлари, ижтимоий соҳа (халқ таълими, мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш, маҳалла фуқаролар йиғинлари, профилактика инспекторлари) объектларини юқори тезликдаги Интернет тармоғига улаш чораларини кўриш, жумладан: 2022 йил – 40 348 порт; 2023 йил – 61 852 порт; 2024 йил – 88 476 порт.	2022 йил март  2022 йил апрель  Алоҳида график асосида	Қурилмаларни етказиб берувчининг кредитлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, телекоммуникация операторлари

3	Мобил алоқанинг 5G тармоғини ривожлантириш.	Қорақалпоғистон Республикасида 9 та 5G стандартидаги мобил алоқа таянч станция ўрнатиш. Жумладан: 2022 йил - 3 та; 2023 йил - 3 та; 2024 йил - 3 та.	2022-2024 йиллар	Қурилмаларни етказиб берувчининг кредитлари ва мобил алоқа операторлари маблағлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Мобил алоқа операторлари
4	Мобил алоқа операторлари томонидан кенг поласали мобил интернет қамровини кенгайтириш.	Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳар ва туманларида 82 та таянч станция ўрнатиш ва модернизация қилиш. Жумладан: 2022 йил - 5 та; 2023 йил - 48 та; 2024 йил - 29 та.	2022-2024 йиллар	Қурилмаларни етказиб берувчининг кредитлари ва мобил алоқа операторлари маблағлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Мобил алоқа операторлари
5	Wi-Fi зоналарини ташкил этиш.	1. Қорақалпоғистон Республикасининг жамоат жойларида, аэропорт, вокзал, меҳмонхона ва бошқа туристик объектларда Wi-Fi зоналари ҳолатини ўрганиш. 2. Қўшимча 290 та Wi-Fi нуқталарини ташкил этиш: 2022 йил - 20 та; 2023 йил - 108 та; 2024 йил - 162 та.	2022-2024 йиллар	Қурилмаларни етказиб берувчининг кредитлари ва телекоммуникация операторлари маблағлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, телекоммуникация операторлари

**2022–2024 йилларда Андижон вилояти телекоммуникация инфратузилмаси ривожланишининг  
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ\***

Т/р	Кўрсаткич номи	Оптик толали алоқа линияларининг узунлиги, км			Кенг полосали тармоқ сиғими, минг порт			Юқори тезликдаги Интернет тармоғи билан қамров даражаси				
								Аҳоли яшаш масканлари, фоиз			МФЙ ва ПИ хоналари, фоиз	
		2022 й.	2023 й.	2024 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2021 й.	
1	Андижон шаҳри	180	198	240	9,7	15,4	30,2	100	100	100	100	
2	Андижон тумани	175	210	235	6,1	9,7	20	68	100	100	100	
3	Асака тумани	180	210	240	6,1	9,7	20	77	100	100	100	
4	Балиқчи тумани	170	190	230	5,1	8,2	15,9	89	100	100	100	
5	Булоқбоши тумани	120	180	220	2,6	4,6	10,2	86	100	100	100	
6	Бўстон тумани	170	200	241	2	4,1	10,2	100	100	100	100	
7	Жалақудуқ тумани	180	220	235	4,1	6,1	13,8	86	100	100	100	
8	Қўрғонтепа тумани	270	330	430	7,2	10,2	26,1	79	100	100	100	
9	Марҳамат тумани	160	210	240	4,1	5,6	13,8	83	100	100	100	
10	Олтинкўл тумани	175	220	230	4,1	6,1	13,8	100	100	100	100	
11	Избоскан тумани	165	210	225	4,1	6,7	13,8	84	100	100	100	
12	Пахтаобод тумани	190	210	230	4,1	6,7	13,8	94	100	100	100	
13	Шахрихон тумани	195	210	230	6,1	9,2	20	43	100	100	100	
14	Улуғнор тумани	155	190	210	2	4,1	10,2	87	100	100	100	
15	Хонобод тумани	70	90	150	3,6	5,1	12,3	100	100	100	100	
16	Хўжаобод тумани	185	210	250	2	4,1	10,2	100	100	100	100	
<b>ЖАМИ</b>		<b>2740</b>	<b>3288</b>	<b>3836</b>	<b>73</b>	<b>115,6</b>	<b>254,3</b>	<b>86</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	

\*) Кўрсаткичлар лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида ҳамда туманлар кесимида ўзгариши мумкин.

**Андижон вилоятида телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш бўйича  
2022-2024 йилларда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар юзасидан  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

<b>Т/р</b>	<b>Лойиҳалар номи</b>	<b>Амалга ошириш механизми</b>	<b>Бажарилиш муддати</b>	<b>Молиялаштириш манбалари</b>	<b>Ижро учун масъуллар</b>
1	Оптик толали алоқа линияларини кенгайтириш.	1. Андижон вилоятининг оптик толали алоқа линиялари билан қамров даражасини ўрганиш. 2. Барча аҳоли масканларини оптик толали алоқа линиялари билан таъминлаш бўйича 2022-2024 йилларга мўлжалланган чора-тадбирларни белгилаш. 3. Вилоятда 9864 км алоқа линияларини қуриш ишларини амалга ошириш: 2022 йил – 2 740 км; 2023 йил – 3 288 км; 2024 йил – 3 836 км.	2022 йил март  2022 йил апрель  2022-2024 йиллар	Телекоммуникация операторлари маблағлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, телекоммуникация операторлари
2	Кенг полосали уланиш тармоқларини кенгайтириш.	1. Андижон вилоятининг телекоммуникация инфратузилмаси билан қамров даражасини ўрганиш. 2. Кенг полосали уланиш тармоқларини кенгайтириш бўйича 2022-2024 йилларга мўлжалланган чора-тадбирларни белгилаш. 3. Барча аҳоли масканлари, ижтимоий соҳа (халқ таълими, мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш, маҳалла фуқаролар йиғинлари, профилактика инспекторлари) объектларини юқори тезликдаги Интернет тармоғига улаш чораларини кўриш, жумладан: 2022 йил – 73 216 порт; 2023 йил – 115 612 порт; 2024 йил – 254 364 порт.	2022 йил март  2022 йил апрель  Алоҳида график асосида	Қурилмаларни етказиб берувчининг кредитлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, телекоммуникация операторлари

3	Мобил алоқанинг 5G тармоғини ривожлантириш.	Андижон вилоятида 9 та 5G стандартидаги мобил алоқа таянч станция ўрнатиш. Жумладан: 2022 йил - 3 та; 2023 йил - 3 та; 2024 йил - 3 та.	2022-2024 йиллар	Қурилмаларни етказиб берувчининг кредитлари ва мобил алоқа операторлари маблағлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Мобил алоқа операторлари
4	Мобил алоқа операторлари томонидан кенг поласали мобил интернет қамровини кенгайтириш.	Андижон вилоятининг шаҳар ва туманларида 152 та таянч станция ўрнатиш ва модернизация қилиш. Жумладан: 2022 йил – 30 та; 2023 йил – 54 та; 2024 йил – 68 та.	2022-2024 йиллар	Қурилмаларни етказиб берувчининг кредитлари ва мобил алоқа операторлари маблағлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Мобил алоқа операторлари
5	Wi-Fi зоналарини ташкил этиш.	1. Андижон вилоятидаги жамоат жойларида, аэропорт, вокзал, меҳмонхона ва бошқа туристик объектларда Wi-Fi зоналари ҳолатини ўрганиш. 2. Қўшимча 124 та Wi-Fi нуқталарини ташкил этиш: 2022 йил – 13 та; 2023 йил – 52 та; 2024 йил – 59 та.	2022-2024 йиллар	Қурилмаларни етказиб берувчининг кредитлари ва телекоммуникация операторлари маблағлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, телекоммуникация операторлари

**2022–2024 йилларда Бухоро вилояти телекоммуникация инфратузилмаси ривожланишининг  
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ\***

Т/р	Кўрсаткич номи	Оптик толали алоқа линияларининг узунлиги, км			Кенг полосали тармоқ сиғими, минг порт			Юқори тезликдаги интернет тармоғи билан қамров даражаси			
								Аҳоли яшаш масканлари, фоиз			МФЙ ва ПИ хоналари, фоиз
		2022 й.	2023 й.	2024 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2021 й.
1	Бухоро шаҳри	380	440	490	9,7	14,0	11,8	100	100	100	100
2	Олот тумани	350	400	500	3,1	5,1	4,1	65	94	100	100
3	Бухоро тумани	350	410	480	1,0	2,0	2,0	64	98	100	100
4	Вобкент тумани	315	395	470	2,6	4,1	3,6	60	90	100	100
5	Ғиждувон тумани	350	390	400	6,7	9,7	7,7	65	89	100	100
6	Жондор тумани	326	405	480	7,7	11,8	9,7	58	88	100	100
7	Когон тумани	310	395	425	3,1	5,6	4,1	68	94	100	100
8	Қоракўл тумани	350	408	470	4,6	6,7	5,6	83	100	100	100
9	Қоровулбозор тумани	185	260	395	1,0	1,0	1,5	100	100	100	100
10	Пешку тумани	360	410	450	2,0	5,1	3,6	60	93	100	100
11	Ромитан тумани	345	430	495	4,1	6,1	5,6	89	93	100	100
12	Шофиркон тумани	335	405	485	3,1	5,1	4,1	85	94	100	100
<b>ЖАМИ</b>		<b>3 956</b>	<b>4 748</b>	<b>5 540</b>	<b>48,6</b>	<b>76,5</b>	<b>63,5</b>	<b>70</b>	<b>93</b>	<b>100</b>	<b>100</b>

\*) Кўрсаткичлар лойиҳа смета ҳужжатлари асосида ҳамда туманлар кесимида ўзгариши мумкин.

**Бухоро вилоятида телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш бўйича  
2022-2024 йилларда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар юзасидан  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

<b>Т/р</b>	<b>Лойиҳалар номи</b>	<b>Амалга ошириш механизми</b>	<b>Бажарилиш муддати</b>	<b>Молиялаштириш манбалари</b>	<b>Ижро учун масъуллар</b>
1	Оптик толали алоқа линияларини кенгайтириш.	1. Бухоро вилоятининг оптик толали алоқа линиялари билан қамров даражасини ўрганиш. 2. Барча аҳоли масканларини оптик толали алоқа линиялари билан таъминлаш бўйича 2022-2024 йилларга мўлжалланган чора-тадбирларни белгилаш. 3. Вилоятда 14 244 км алоқа линияларини қуриш ишларини амалга ошириш: 2022 йил – 3 956 км; 2023 йил – 4 748 км; 2024 йил – 5 540 км.	2022 йил март  2022 йил апрель  2022-2024 йиллар	Телекоммуникация операторлари маблағлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, телекоммуникация операторлари
2	Кенг полосали уланиш тармоқларини кенгайтириш.	1. Бухоро вилоятининг телекоммуникация инфратузилмаси билан қамров даражасини ўрганиш. 2. Кенг полосали уланиш тармоқларини кенгайтириш бўйича 2022-2023 йилларга мўлжалланган чора-тадбирларни белгилаш. 3. Барча аҳоли масканлари, ижтимоий соҳа (халқ таълими, мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш, маҳалла фуқаролар йиғинлари, профилактика инспекторлари) объектларини юқори тезликдаги Интернет тармоғига улаш чораларини кўриш, жумладан: 2022 йил – 48 640 порт; 2023 йил – 76 480 порт; 2024 йил – 63 488 порт.	2022 йил март  2022 йил апрель  Алоҳида график асосида	Қурилмаларни етказиб берувчининг кредитлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, телекоммуникация операторлари



3	Мобил алоқанинг 5G тармоғини ривожлантириш.	Бухоро вилоятида 9 та 5G стандартидаги мобил алоқа таянч станция ўрнатиш. Жумладан: 2022 йил - 3 та; 2023 йил - 3 та; 2024 йил - 3 та.	2022-2024 йиллар	Қурилмаларни етказиб берувчининг кредитлари ва мобил алоқа операторлари маблағлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Мобил алоқа операторлари
4	Мобил алоқа операторлари томонидан кенг полосали мобил интернет қамровини кенгайтириш.	Бухоро вилоятининг шаҳар ва туманларида 96 та таянч станция ўрнатиш ва модернизация қилиш. Жумладан: 2022 йил – 76 та; 2023 йил – 20 та.	2022-2024 йиллар	Қурилмаларни етказиб берувчининг кредитлари ва мобил алоқа операторлари маблағлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Мобил алоқа операторлари
5	Wi-Fi зоналарини ташкил этиш.	1. Бухоро вилоятидаги жамоат жойларида, аэропорт, вокзал, меҳмонхона ва бошқа туристик объектларда Wi-Fi зоналари ҳолатини ўрганиш. 2. Қўшимча 140 та Wi-Fi нуқталарини ташкил этиш: 2022 йил – 20 та; 2023 йил – 49 та; 2024 йил – 71 та.	2022-2024 йиллар	Қурилмаларни етказиб берувчининг кредитлари ва телекоммуникация операторлари маблағлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, телекоммуникация операторлари

**2022–2024 йилларда Жиззах вилояти телекоммуникация инфратузилмаси ривожланишининг  
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ\***

Т/р	Кўрсаткич номи	Оптик толали алоқа линияларининг узунлиги, км			Кенг полосали тармоқ сифими, минг порт			Юқори тезликдаги интернет тармоғи билан қамров даражаси			
								Аҳоли яшаш масканлари, фоиз			МФЙ ва ПИ хоналари, фоиз
		2022 й.	2023 й.	2024 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2021 й.
1	Арнасой тумани	150	170	195	1,0	1,0	1,0	100	100	100	100
2	Бахмал тумани	190	220	245	3,1	6,1	5,1	82	87	100	100
3	Дўстлик тумани	150	175	208	2,6	4,1	3,1	88	88	100	100
4	Ғаллаорол тумани	240	285	335	5,1	7,7	6,1	79	86	100	100
5	Пахтакор тумани	175	190	210	1,0	2,6	2,0	69	79	100	100
6	Мирзачўл тумани	190	195	210	1,5	3,1	2,6	60	80	100	100
7	Зарбдор тумани	130	175	210	3,6	6,1	4,6	91	100	100	100
8	Зафаробод тумани	120	180	200	1,0	2,6	2,0	90	100	100	100
9	Зомин тумани	175	200	250	5,1	7,7	6,1	77	77	100	100
10	Фориш тумани	250	290	345	1,0	2,0	1,5	63	89	100	100
11	Янгиобод тумани	120	170	190	1,5	3,1	2,6	44	56	100	100
12	Ш.Рашидов тумани	174	220	240	6,7	9,7	8,2	15	83	100	100
13	Жиззах шаҳри	200	246	330	8,7	12,8	10,2	100	100	100	100
<b>ЖАМИ</b>		<b>2 264</b>	<b>2 716</b>	<b>3 168</b>	<b>42,0</b>	<b>68,6</b>	<b>55,3</b>	<b>70</b>	<b>84</b>	<b>100</b>	<b>100</b>

\*) Кўрсаткичлар лойиҳа смета ҳужжатлари асосида ҳамда туманлар кесимида ўзгариши мумкин.

**Жиззах вилоятида телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш бўйича  
2022-2024 йилларда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар юзасидан  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

<b>Т/р</b>	<b>Лойиҳалар номи</b>	<b>Амалга ошириш механизми</b>	<b>Бажарилиш муддати</b>	<b>Молиялаштириш манбалари</b>	<b>Ижро учун масъуллар</b>
1	Оптик толали алоқа линияларини кенгайтириш.	1. Жиззах вилоятининг оптик толали алоқа линиялари билан қамров даражасини ўрганиш. 2. Барча аҳоли масканларини оптик толали алоқа линиялари билан таъминлаш бўйича 2022-2024 йилларга мўлжалланган чора-тадбирларни белгилаш. 3. Вилоятда 8 148 км алоқа линияларини куриш ишларини амалга ошириш: 2022 йил – 2 264 км; 2023 йил – 2 716 км; 2024 йил – 3 168 км.	2022 йил март  2022 йил апрель  2022-2024 йиллар	Телекоммуникация операторлари маблағлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, телекоммуникация операторлари
2	Кенг полосали уланиш тармоқларини кенгайтириш.	1. Жиззах вилоятининг телекоммуникация инфратузилмаси билан қамров даражасини ўрганиш. 2. Кенг полосали уланиш тармоқларини кенгайтириш бўйича 2022-2024 йилларга мўлжалланган чора-тадбирларни белгилаш. 3. Барча аҳоли масканлари, ижтимоий соҳа (халқ таълими, мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш, маҳалла фуқаролар йиғинлари, профилактика инспекторлари) объектларини юқори тезликдаги Интернет тармоғига улаш чораларини кўриш, жумладан: 2022 йил – 41 984 порт; 2023 йил – 68 608 порт; 2024 йил – 55 296 порт.	2022 йил март  2022 йил апрель  Алоҳида график асосида	Қурилмаларни етказиб берувчининг кредитлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, телекоммуникация операторлари

3	Мобил алоқанинг 5G тармоғини ривожлантириш.	Жиззах вилоятида 9 та 5G стандартидаги мобил алоқа таянч станция ўрнатиш. Жумладан: 2022 йил - 3 та; 2023 йил - 3 та; 2024 йил - 3 та.	2022-2024 йиллар	Қурилмаларни етказиб берувчининг кредитлари ва мобил алоқа операторлари маблағлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Мобил алоқа операторлари
4	Мобил алоқа операторлари томонидан кенг полосали мобил интернет қамровини кенгайтириш.	Жиззах вилоятининг шаҳар ва туманларида 136 та таянч станция ўрнатиш ва модернизация қилиш. Жумладан: 2022 йил – 11 та; 2023 йил – 72 та; 2024 йил – 53 та.	2022-2024 йиллар	Қурилмаларни етказиб берувчининг кредитлари ва мобил алоқа операторлари маблағлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Мобил алоқа операторлари
5	Wi-Fi зоналарини ташкил этиш.	1. Жиззах вилоятидаги жамоат жойларида, аэропорт, вокзал, меҳмонхона ва бошқа туристик объектларда Wi-Fi зоналари ҳолатини ўрганиш. 2. Қўшимча 113 та Wi-Fi нуқталарини ташкил этиш: 2022 йил – 12 та; 2023 йил – 44 та; 2024 йил – 57 та.	2022-2024 йиллар	Қурилмаларни етказиб берувчининг кредитлари ва телекоммуникация операторлари маблағлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, телекоммуникация операторлари

**2022–2024 йилларда Қашқадарё вилояти телекоммуникация инфратузилмаси ривожланишининг  
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ\***

Т/р	Кўрсаткич номи	Оптик толали алоқа линияларининг узунлиги, км			Кенг поласали тармоқ сиғими, минг порт			Юқори тезликдаги интернет тармоғи билан қамров даражаси			
								Аҳоли яшаш масканлари, фоиз			МФЙ ва ПИ хоналари, фоиз
		2022 й.	2023 й.	2024 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2021 й.
1	Қарши шаҳар	305	306	315	18,4	28,6	73,2	100	100	100	100
2	Ғузор тумани	290	355	450	2,0	5,1	16,9	71	81	100	100
3	Дехқонобод тумани	228	235	265	3,1	4,6	16,9	18	22	100	100
4	Қамаши тумани	275	335	435	3,1	5,1	19,5	30	37	100	100
5	Қарши тумани	235	305	245	4,1	6,1	21,5	73	90	100	100
6	Касби тумани	205	235	315	2,0	4,1	14,8	81	90	100	100
7	Китоб тумани	225	325	385	4,1	6,1	21,5	51	54	100	100
8	Косон тумани	285	375	480	3,1	5,6	18,9	60	65	100	100
9	Миришкор тумани	105	155	214	2,6	4,1	16,9	86	92	100	100
10	Муборак тумани	155	195	225	2,0	3,6	14,8	84	90	100	100
11	Нишон тумани	175	225	270	3,1	5,1	18,9	71	100	100	100
12	Шаҳрисабз тумани	265	360	375	2,6	4,6	16,9	20	26	100	100
13	Чироқчи тумани	365	395	480	4,6	7,7	20,0	69	79	100	100
14	Яккабоғ тумани	335	335	370	4,1	6,7	21,5	56	63	100	100
<b>ЖАМИ</b>		<b>3448</b>	<b>4136</b>	<b>4824</b>	<b>58,9</b>	<b>97,2</b>	<b>312,3</b>	<b>53</b>	<b>61</b>	<b>100</b>	<b>100</b>

\*) Кўрсаткичлар лойиҳа смета ҳужжатлари асосида ҳамда туманлар кесимида ўзгариши мумкин.

**Қашқадарё вилоятида телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш бўйича  
2022-2024 йилларда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар юзасидан  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

<b>Т/р</b>	<b>Лойиҳалар номи</b>	<b>Амалга ошириш механизми</b>	<b>Бажарилиш муддати</b>	<b>Молиялаштириш манбалари</b>	<b>Ижро учун масъуллар</b>
1	Оптик толали алоқа линияларини кенгайтириш.	1. Қашқадарё вилоятининг оптик толали алоқа линиялари билан қамров даражасини ўрганиш. 2. Барча аҳоли масканларини оптик толали алоқа линиялари билан таъминлаш бўйича 2022-2024 йилларга мўлжалланган чора-тадбирларни белгилаш. 3. Вилоятда 12 408 км алоқа линияларини қуриш ишларини амалга ошириш: 2022 йил – 3 448 км; 2023 йил – 4 136 км; 2024 йил – 4 824 км.	2022 йил март  2022 йил апрель  2022-2024 йиллар	Телекоммуникация операторлари маблағлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, телекоммуникация операторлари
2	Кенг полосали уланиш тармоқларини кенгайтириш.	1. Қашқадарё вилоятининг телекоммуникация инфратузилмаси билан қамров даражасини ўрганиш. 2. Кенг полосали уланиш тармоқларини кенгайтириш бўйича 2022-2024 йилларга мўлжалланган чора-тадбирларни белгилаш. 3. Барча аҳоли масканлари, ижтимоий соҳа (халқ таълими, мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш, маҳалла фуқаролар йиғинлари, профилактика инспекторлари) объектларини юқори тезликдаги Интернет тармоғига улаш чораларини кўриш, жумладан: 2022 йил – 58 880 порт; 2023 йил – 97 216 порт; 2024 йил – 312 320 порт.	2022 йил март  2022 йил апрель  Алоҳида график асосида	Курилмаларни етказиб берувчининг кредитлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, телекоммуникация операторлари

3	Мобил алоқанинг 5G тармоғини ривожлантириш.	Қашқадарё вилоятида 9 та 5G стандартидаги мобил алоқа таянч станция ўрнатиш. Жумладан: 2022 йил - 3 та; 2023 йил - 3 та; 2024 йил - 3 та.	2022-2024 йиллар	Қурилмаларни етказиб берувчининг кредитлари ва мобил алоқа операторлари маблағлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Мобил алоқа операторлари
4	Мобил алоқа операторлари томонидан кенг поласали мобил интернет қамровини кенгайтириш.	Қашқадарё вилоятининг шаҳар ва туманларида 238 та таянч станция ўрнатиш ва модернизация қилиш. Жумладан: 2022 йил – 31 та; 2023 йил – 114 та; 2024 йил – 93 та.	2022-2024 йиллар	Қурилмаларни етказиб берувчининг кредитлари ва мобил алоқа операторлари маблағлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Мобил алоқа операторлари
5	Wi-Fi зоналарини ташкил этиш.	1. Қашқадарё вилоятидаги жамоат жойларида, аэропорт, вокзал, меҳмонхона ва бошқа туристик объектларда Wi-Fi зоналари ҳолатини ўрганиш. 2. Қўшимча 142 та Wi-Fi нуқталарини ташкил этиш: 2022 йил – 20 та. 2023 йил – 52 та. 2024 йил – 70 та.	2022-2024 йиллар	Қурилмаларни етказиб берувчининг кредитлари ва телекоммуникация операторлари маблағлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, телекоммуникация операторлари

2022–2024 йилларда Навоий вилояти телекоммуникация инфратузилмаси ривожланишининг  
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ\*

Т/р	Кўрсаткич номи	Оптик толали алоқа линияларининг узунлиги, км			Кенг полосали тармоқ сиғими, минг порт			Юқори тезликдаги интернет тармоғи билан қамров даражаси			
								Аҳоли яшаш масканлари, фоиз			МФЙ ва ПИ хоналари, фоиз
		2022 й.	2023 й.	2024 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2021 й.
1	Навоий шаҳри	400	500	600	8,7	14,8	3,1	100	100	100	100
2	Зарафшон шаҳри	200	296	300	1,0	1,0	0,5	100	100	100	100
3	Кармана тумани	414	550	600	6,1	10,6	2,0	80	100	100	100
4	Конимех тумани	200	200	300	2,0	2,0	0,5	94	94	100	100
5	Кизилтепа тумани	400	550	600	6,1	9,2	2,0	92	98	100	100
6	Навбаҳор тумани	400	500	600	2,0	3,6	1,0	88	100	100	100
7	Нурота тумани	350	400	500	3,6	5,1	1,0	96	100	100	100
8	Томди тумани	250	100	100	2,6	3,6	1,0	76	100	100	100
9	Хатирчи тумани	400	550	600	6,1	9,2	1,5	60	100	100	100
10	Учкудук тумани	150	150	228	1,0	0,0	0,5	23	42	100	100
<b>ЖАМИ</b>		<b>3164</b>	<b>3796</b>	<b>4428</b>	<b>39,2</b>	<b>59,1</b>	<b>13,1</b>	<b>81</b>	<b>94</b>	<b>100</b>	<b>100</b>

\*) Кўрсаткичлар лойиҳа смета ҳужжатлари асосида ҳамда туманлар кесимида ўзгариши мумкин.



**Навоий вилоятида телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш бўйича  
2022-2024 йилларда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар юзасидан  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

<b>Т/р</b>	<b>Лойиҳалар номи</b>	<b>Амалга ошириш механизми</b>	<b>Бажарилиш мuddати</b>	<b>Молиялаштириш манбалари</b>	<b>Ижро учун масъуллар</b>
1	Оптик толали алоқа линияларини кенгайтириш.	1. Навоий вилоятининг оптик толали алоқа линиялари билан қамров даражасини ўрганиш. 2. Барча аҳоли масканларини оптик толали алоқа линиялари билан таъминлаш бўйича 2022-2024 йилларга мўлжалланган чора-тадбирларни белгилаш. 3. Вилоятда 11 388 км алоқа линияларини қуриш ишларини амалга ошириш: 2022 йил – 3 164 км; 2023 йил – 3 796 км; 2024 йил – 4 428 км.	2022 йил март  2022 йил апрель  2022-2024 йиллар	Телекоммуникация операторлари маблағлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, телекоммуникация операторлари
2	Кенг полосали уланиш тармоқларини кенгайтириш.	1. Навоий вилоятининг телекоммуникация инфратузилмаси билан қамров даражасини ўрганиш. 2. Кенг полосали уланиш тармоқларини кенгайтириш бўйича 2022-2024 йилларга мўлжалланган чора-тадбирларни белгилаш. 3. Барча аҳоли масканлари, ижтимоий соҳа (халқ таълими, мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш, маҳалла фуқаролар йиғинлари, профилактика инспекторлари) объектларини юқори тезликдаги Интернет тармоғига улаш чораларини кўриш, жумладан: 2022 йил – 39 224 порт; 2023 йил – 59 100 порт; 2024 йил – 13 112 порт.	2022 йил март  2022 йил апрель  Алоҳида график асосида	Курилмаларни етказиб берувчининг кредитлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, телекоммуникация операторлари

3	Мобил алоқанинг 5G тармоғини ривожлантириш.	Навоий вилоятида 9 та 5G стандартидаги мобил алоқа таянч станция ўрнатиш. Жумладан: 2022 йил - 3 та; 2023 йил - 3 та; 2024 йил - 3 та.	2022-2024 йиллар	Қурилмаларни етказиб берувчининг кредитлари ва мобил алоқа операторлари маблағлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Мобил алоқа операторлари
